

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2014 йил 16 сентябрь, № 179 (6109) Сешанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



*Истиқлол йилларида Хоразм воҳасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларида мислсиз юксалишлар юз берди.*

*Бугун, айниқса, вилоятнинг ҳар бир шаҳару туманида, қишлоғию маҳалласида халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Қурилиш ва ободонлаштириш борасида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари вилоят маркази — гўзал Урганч шаҳрини, таъбир жоиз бўлса, яшартириб юборди.*



Хоразм вилояти:

## Муаззам юртимиз гавҳари

Юртбошимизнинг 2012 йил октябрь ойида Хоразмга ташрифидан сўнг воҳанинг саноат салоҳиятини ривожлантириш, Урганч шаҳрини ободонлаштириш ва сув таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда сайёҳлик соҳаларини тараққий эттиришга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда мазкур ҳужжатлар асосида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Урганч шаҳрини замонавий, миллий шаҳарсозлик талаблари негизида қайта қуриш дастлаб ал-Хоразмий номидаги марказий кўчадан бошланди. Бу ерда биринчи қаватини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллаган 12 та кўп қаватли тураржой, 10 та савдо ва маиший хизмат объекти, меҳмонхоналар, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг янги биноси бунёд этилди. Натижада ал-Хоразмий кўчаси тимсолида замонавий меъморий ансамбль яратилди.

— Бу кўча бўйлаб сайр қилишнинг ўзгача гашти бор, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Баҳодир Бекчанов. — Айниқса, ёшлар бу янгиланишлардан завқланиб, қувончини яшира олмаётганларини кўрганимда, ўзимни яшариб кетгандай ҳис этаман.

Ўтган йили Урганчда 424 та объектда 476,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилган бўлса, жорий йилда 706 та объектда 608,5 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш тадбирлари давом эттирилмоқда.

(Давоми 4-бетда).







# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Қўқон шаҳридаги “Индорама Қўқон текстиль” қўшма корхонаси фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ерда тайёрланаётган сифатли калава ипларга 10 дан зиёд мамлакатлардан буюртмалар тушмоқда.*

## Салмоқли натижа

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошириб борилаяпти. Айниқса, 2013/2014 йилларда бу ерга 40 миллион АҚШ долларилик қўшимча хорижий инвестиция киритилиб, толани қайта ишлаш қуввати 18 минг тоннага етказилди. Эътиборлиси, ўтган саккиз ойда тайёрланган маҳсулотнинг 57 миллион долларлик қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳам корхонада модернизациялаш тадбирлари давом эттирилаяпти. Хусусан, йил охирига қадар яна 22 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилади. Бу эса корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 24 минг тоннага етказиш имкониятини яратади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Шаҳар инфратузилмаси янада яхшиланади

*Жиззах шаҳридаги кўп қаватли уйлар ҳамда хонадонлар шу пайтга қадар оқова сув тармоғига уланмаганлиги боис турли муаммолар келиб чиқаётган эди.*

Шу сабабли “Ўзкоммунхизмат” агентлиги бу ерда оқова сув коллекторлари қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга оширишга киришди.

— Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 10 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда, — дейди Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори Бахтиёр Мелиев. — Ўтказилган тендер савдоларида “Файз коммунал қурилиш” ва “Жиззах полимер пласт” масъулияти чекланган жамиятлари консорциуми ғолиб, деб топилди. Мазкур бунёдкорлик жамоалари қурилиш ва реконструкция ишларини 2015 йилнинг декабрига қадар ниҳоясига етказиш масъулиятини олдилар.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Битирувчи иш ўринлари яратди

*Бундан икки йил аввал Паркент туманида иш бошлаган “Баҳор илҳоми” оилавий корхонаси жуда тез тилга тушди. Бу бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, чевар қиз Гулбаҳор Руҳиддинова каттагина тикувчилик корхонаси фаолиятини йўлга қўйганида коллеж битирувчиси эди.*

Дастлаб бир нечта замонавий дастгоҳлар харид қилиб, 20 нафар тикувчи-бичувчи билан иш бошлади. Янги андозаларда, бежирим ва сифатли тикилган либослар дарров ўз харидорини топди. Оилавий корхона улгуржи буюртмалар ола бошлади.

Талабнинг юқорилигини инобатга олиб, тадбиркор қиз корхонаси фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Бунда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги бизнес-режа тижорат банки томонидан молиявий қўллаб-қувватлангани қўл келди. Шу ҳисобдан корхонага хориждан яна 15 та тикув дастгоҳи олиб келинди. Натижада ишчилар сони 45 нафарга етди.

Яқинда ёш тадбиркорнинг оилавий корхонасига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида чет элдан бир гуруҳ ишбилармонлар келиб, ҳамкорлик қилишни таклиф этишди. Демак, ҳадемай, “Баҳор илҳоми” маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги президенти Дае Пё Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 сентябрь куни Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясида бўлди.*

## ҲАМКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙМОҚДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига ҳамда Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йилнинг июнь ойида мамлакатимизга давлат ташрифлари ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам изчил тараққий этаётир. Идоралараро ташрифлар мунтазамлик касб этиб, ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви ривожланмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, савдо каби соҳаларда иш юритади.

Меҳмонларга федерация фаолияти, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак сифатнинг халқаро эътирофи

Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли тадбир жаҳон пахта саноати етакчилари, тўқимачилик корхоналари вакиллари ва савдо агентларига мамлакатимизда пахта етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва харидорларга етказиб бериш тизимини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишиш, шу билан бирга, савдоларда қатнашиш, шартномалар тузиш имкониятини яратиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, айни шу ярмарка ўтган қисқа давр ичида ўзбек пахтасининг ташқи бозордаги нуфузини ошириб, уни дунёга кенгроқ танитди. Бу мустақиллик йилларида республикамизда пахта етиштириш ва қайта ишлаш тизимининг тубдан такомиллаштирилгани, тола сифати янада яхшиланганлиги шарофатидир, албатта.

Дарҳақиқат, ўзбек пахта толасининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш бўйича изчил олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида ғўзанинг нав таркибини яхшилаш, тезпишар, ҳосилдорлиги юқори, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган янги навларни яратиш, пахтани қайта ишлаш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг натижасида толамизнинг сифати тобора яхшиланиб, унга бўлган талаб ошмоқда. Кейинги йилларда чет эллик ҳамкорлар янада кўпайиб, экспорт географиясининг кенгайгани ана шундан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистон бугунги кунда пахта етиштириш ҳамда уни экспорт қилиш бўйича дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, ўзбек пахта толаси саноатбоплиги ва бошқа сифат кўрсаткичлари юқорилиги — рангининг ниҳоятда оқлиги, пишиқлиги, тола узунлигининг бир хиллиги, калта толалар миқдори камлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳар қандай харидорни биринчи галда маҳсулот сифати қизиқтиради. Шу мақсадда республикамиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг ҳар бир тойи сифат кўрсаткичлари ва оғирлиги бўйича Ўзбекистон “Сифат” марказининг ҳудудий лабораторияларида синовдан ўтказилиб, назорат қилиб борилади.

Бундан ташқари, юртимизда экилаётган ғўза навлари, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола ва момиққа оид тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги тавсифлар “Сифат” марказининг миллий маълумотлар базасида таҳлил қилиниб сақланади ва ундан харидорлар тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолаверса, ярмарка иштирокчилари Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмаларига аъзо бўлган, пахта толасини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилардан бетараф ҳолда сертификатлаштириш ишлари билан шуғулланувчи мазкур “Сифат” марказининг фаолияти билан батафсил танишиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда молия хизматлари ҳажмининг ўсиши**

**34,5** фоизга етди.

Микро ва истеъмол кредитлашни ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ҳамда технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, молиявий инфратузилма институтларини тараққий эттиришга қаратилган чора-тадбирлар ана шундай ижобий натижага эришилишида муҳим омил бўлди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётимиз тармоқлари ва ҳаётимизнинг барча соҳасига кенг татбиқ этишга, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерактив давлат хизмати турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириб, фуқаролар томонидан ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳамда ахборот хизматларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.*

## «Электрон ҳукумат» тизими:

# ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

Ушбу ҳужжат асосида қабул қилинган 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини электрон шаклда амалга оширишини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида “ягона ойна” принципини жорий этиш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган. Шуни таъкидлаш жоизки, дастурга мувофиқ, айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган қарори доирасида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурида икки янги тузилма — “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. Ушбу марказлар олдига мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантиришдек устувор мақсад қўйилди.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази давлатнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Давлат органларида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бирлаштириш механизмини шакллантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлайдиган мазкур марказ бу борадаги жаҳон тенденциялари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил ва тадқиқ этаётир. Бугунги кунда марказ жамоаси, асосан, салоҳиятли ёш кадрлардан иборат бўлиб, улар давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизимида амалга оширилган йирик лойиҳалардан бири — интернет тармоғида “ягона ойна” режимида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ишга туширилгани билан боғлиқдир. Бу фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига, ташкилот ва муассасалар вакилларига вақт ҳамда маблағини тежаган ҳолда, давлат ҳокимиятининг барча элементлари бўйича тўлиқ ахборот олиш, у ёки бу давлат органига электрон шаклда мурожаат қилиш имконини бермоқда.

Эътирофли томони, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ҳозирги вақтга қадар 600 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар уланди. Унда турли жабҳаларни қамраб олувчи 200 турдаги хизматлар жорий қилинди. Давлат органлари раҳбарлари қабулига онлайн ёзилиш, давлат органларидаги мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномаларни юбориш, биометрик паспортни олиш юзасидан онлайн аризани тақдим этиш каби қулайликлар аҳолида катта қизиқиш уйғотаётир. Шу билан бирга, давлат органлари масъул ходимлари учун Ягона порталда ишлаш бўйича ўқув курслари йўлга қўйилгани, соҳага оид билим ва кўникмалари оширилаётгани ўз натижасини бермоқда.

Ўтган йилдан хизмат кўрсата бошлаган Ягона портал орқали давлат органларига аҳоли томонидан 36 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Таҳлилларга кўра, ушбу мурожаатларнинг 87 фоизи жисмоний шахслар томонидан юборилган ва уларнинг асосий қисмини аризалар, қолганини таклиф ҳамда шикоятлар ташкил қилади. Қайд этиш лозимки, Ягона порталдан мурожаат йўллаётган аҳолининг 85 фоизи тегишли давлат органларининг жавобини электрон почта орқали олишни афзал билмоқда.

Бугунги кунда Ягона портал хизматларидан аҳоли, айниқса, судланганлик ёки судланмаганлик ҳолати тўғрисидаги, меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотномаларни олишда, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун онлайн ариза юборишда кенг фойдаланмоқда. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жорий қилинган синов лойиҳа — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун биометрик паспорт олишда онлайн ариза билан мурожаат этиш ҳар томонлама қулайлиги билан жамоатчилик эътиборини тортаяпти.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилган, тўсиқларга дуч келган, фаолиятига асоссиз равишда аралашиш ҳоллари юз берган тақдирда, Ягона порталдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, адлия органларига мурожаат этиш имкониятига ҳам эгаки, бу ҳам иқтисодиётимиз таянчи — мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳолининг интернетдан фойдаланмайдиган қатлами учун эса Ягона порталда “Call-center” (маълумотлар хизмати) ташкил этилди. “1060” қисқа рақамига телефон қўнғироғи орқали мурожаат этган фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари тегишли давлат органларига юборилмоқда. Бир йил мобайнида “Call-center” орқали 7 минг 600 дан зиёд қўнғироқ қабул қилингани аҳолининг ушбу хизматга ишончи ортаётганини кўрсатади.

Давлат хизматларини онлайн режимига ўтказиш ахборот хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади. Интернетдан фойдаланувчиларни глобал тармоқнинг миллий сегментида пайдо бўладиган ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан ўз вақтида огоҳлантириш, ахборотни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиб келаётган Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз айни муддао бўлмоқда.

Эндиликда давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 15 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида Ягона порталда қатор янги хизматларни жорий қилиш кўзда тутилган. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун ўлчов воситаларининг давлат метрологик текширувини ўтказишга ариза бериш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни расмийлаштириш, коммунал хизматларда юзага келадиган муаммолар, хусусан, сувнинг кучсиз босими, иссиқ сувнинг паст ҳарорати, электр энергияси ва газнинг огоҳлантиришларсиз узиб қўйилиши, сув-оқова муаммоси ёки чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги билан боғлиқ масалаларда шикоятларни электрон йўллаш имконияти яратилади. 2014/2015 йиллар давомида 25 давлат ва хўжалик бошқарув органининг юздан ортиқ хизматларини оптималлаштириш ҳамда давлат интерактив хизматлари Ягона порталига жорий этиш ҳам галдаги вазифалар сирасига киради.

Мухтасар айтганда, “Электрон ҳукумат” тизимига тўлиқ ўтиш мамлакатимизда АКТ соҳасининг барқарор ривожига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, уларнинг аҳоли кенг қатламлари билан ўзаро муносабатида шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

**Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази директори.**

# ҲАМКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙМОҚДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Жамоат бирлашмаларининг истеъмол соҳасидаги сиёсатни шакллантиришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

— 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан агентлигимиз ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди, — деди Дае Пё Жунг. — Унга мувофиқ, мазкур қўмита, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда агентлигимиз ҳамкорлигида учрашув, семинар ва тренинглар ўтказилмоқда. Соҳа мутахассислари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тажриба ва ахборот алмашиш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Бу гўзал олам — болалар нигоҳида

*Жисмоний имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш орқали жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари асосида қурилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли, хусусан, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ўз лаёқат ва қизиқишларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштириб борилаётгани уларнинг жамиятга тўлақонли интеграциялашувида қўл келаётганлигини ҳам айтиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, жорий йилда ногирон болаларга протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари тўлиқ етказиб берилди. Шу мақсадда 3 минг 600 дан зиёд ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари, 6 минг 300 дан ортиқ протез-ортопедия маҳсулотлари тарқатилди. Тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар сифат ва самарадорлиги ошиб бораётгани жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизларнинг қобилиятини юзага чиқариш ва рағбатлантиришда, уларнинг ўқиб, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишда яққол намоён бўлмоқда. Бу пойтахтимизда иқтидорли ногирон болалар ўртасида ўтказилган “Мафтункор ранглар олами” кўрик-танловида яна бир бор ифодасини топди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқа қатор ҳамкорлар томонидан ҳар йили анъанавий равишда ташкил этиладиган мазкур танлов ногирон болаларнинг ижодий ишга рағбатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўғил-қиз қатнашди. Улар танлов давомида табиат тароватини, ҳаётнинг рангин лаҳзаларини, тинч ва мусаффо осмонимизни, юртимизнинг муаззам манзилларини, ўлмас қадриятларимизни болалик нигоҳи билан рангин бўёқларда акс эттирди.

— Яшил рангни яхши кўраман, — дейди Наманган шаҳридаги 25-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Муҳаммадали Салоҳиддинов. — Яшил ранг яшариш, янгиланиш белгиси ҳамдир. Кўпроқ пейзажда расм чизишимнинг боиси шунда. Бугун ҳам мен табиат манзараларини ранг-тасвирда кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Муҳаммадалининг икки қўли туғма ривожланмай қолган. Лекин у шу қўллари билан расм чиза олади, аниқроғи, бу ижодий иш билан 6 ёшидан буён шуғулланади. У компьютер техникаларини тузатишни ҳам яхши ўзлаштирган. Биз унинг юзида кўтаринкиликни, қатъий иродани кўрдик, асосийси, эртанги кунига бўлган ишончи баланд.

Эътиборлиси, танловда қатнашган барча болаларда ана шундай кайфиятни кузатдик.

Тадбир доирасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги интернат уйлари тарбияланувчилари ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг бадиий кўргазмаси намойиш этилди.

**Фарида МАҲКАМОВА.**

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

*Самарқанд шаҳрида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлашда инновацион технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.*

## Озиқ-овқат хавфсизлиги:

# Ўзбекистон тажрибаси ўрганилмоқда

Унда соҳага тааллуқли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро тузилмалар ҳамда жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан олим ва мутахассислар қатнашди.

Анжуманда шу йил Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференцияда Президентимиз томонидан билдирилган фикр ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳага илғор инновацион технологияларни жорий этиш борасида юртимизда эришилган ютуқлар хусусида ҳам иштирокчиларга маълумот берилди.

— Ер юзида аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши ҳамда бугунги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дунё мамлакатларининг асосий муаммоларидан бирига айланмоқда, — дейди Япониянинг Тцукуба университети профессори Хироко Исода. — Шундай бир вазиятда Ўзбекистон раҳбарияти узоқни кўзлаб озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига энг сўнгги инновацион янгиликларни муваффақиятли татбиқ этаётирки, бу борадаги тажрибаларни бошқа давлатлар ҳам ўрганиши лозим, деб ўйлайман.

Шунингдек, конференция доирасида қатнашчилар Самарқанд вилоятидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган илғор корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






# Юксак сифатнинг халқаро эътирофи

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Гап шундаки, марказда толаларни сертификатлаш ва ҳар бир тойини синовдан ўтказиш жараёни HVI ускунаси тизимлари орқали амалга оширилади. Айнан HVI тизимлари толанинг хусусиятлари, жумладан, унинг узунлиги, узунлик бўйича бир хиллиги, пишиқлиги, ранги, ифлослиги, микронейри, калта тола миқдори каби кўрсаткичларни аниқлаб беради. Синов натижаларига асосан эса, тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилиб, у ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим қилинади.

Юртимизда HVI тизимларида пахтанинг сифатини аниқлаш усули қўлланилаётгани бежиз эмас. Зеро, у селекционер олимларга саноатчилар талабига мос навларни яратишга ёрдам бериб, пировардида ўзбек пахтасининг сифатини яхшилаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда қўл келади. Шу боис Ўзбекистон “Сифат” марказини 2013 — 2017 йиллар давомида босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Унга кўра, 35 та ярим автоматли Uster HVI 900 SA тизими ўрнига техник таснифлари такомиллаштирилган, унумдорлиги юқори бўлган 18 та автоматлаштирилган Uster HVI 1000 тизими босқичма-босқич ўрнатилади.

Ҳозирги кунда “Сифат” марказининг миллий маълумотлар базасида юртимизда экилаётган ғўза навлари ва етиштирилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ жамланган. Шу асосда чуқур таҳлиллар қилинаётгани, агротехника тадбирларини яхшилаш, янги селекцион навларни районлаштириш ва HVI тизимларини қўллаш бўйича амалий чоралар кўрилаётгани натижасида тўқимачилик саноати учун мақбул бўлган 4 типдаги толанинг миқдори ошиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг айрим пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасининг 95 фоиздан ортиғи “Олий” ва “Яхши” синфларига қабул қилинди.

Қувонарлиси, ўтган йили “Олий” ва “Яхши” синфларининг умумий улуши 84 фоизга етди. Толанинг узунлиги бўйича 4 типга мансуб толаларнинг умумий ҳажми эса 2012 — 2013 йиллар ҳосили бўйича 77,6 фоиздан 80,8 фоизгача ортди.

“Сифат” маркази 10 йилдан зиёд вақт мобайнида ўтказаётган HVI тизимларидаги синовларнинг аниқлик даражасини баҳолаш мақсадида Германиянинг Бремен пахта уюшмаси ҳамда Америкадаги Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси билан биргаликда 100 дан ортиқ мамлакатлар иштирокидаги Халқаро инструментал солиштирув тест синовларида мунтазам иштирок этиб келаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Негаки, бу жараёнда ўзбек пахтаси сифатини баҳолашда жаҳон бозорида қабул қилинган стандартларга тўлиқ риоя этилиши таъминланаяпти.

Хом ашё сифати ҳақидаги маълумотларни солиштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, пахта толасининг синовлари, унинг тўлов тизими, нав таркибини яхшилаш ва пахта тозалаш саноатининг самарадорлигини ошириб боришда олиб борилаётган ислоҳотлар ўзбек пахтасининг истеъмол талаблари юқори бўлишига замин яратмоқда. “Сифат” маркази эса ўз иш фаолияти давомида толанинг сифатини баҳолаш мезонлари ва усулларини доимий такомиллаштириб, қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатини ошириш тадбирларини қўллаш ҳамда ташқи савдо компанияларининг иш юритиш услубларини жорий этиш туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётир. Шубҳасиз, бунда халқаро пахта ярмаркаси муҳим бозор механизми вазифасини ўтамоқда. Пировардида у ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида республикамиз ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилаяпти.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон бундан буён ҳам нафақат юқори сифатли пахта толасини етиштирувчи, балки уни харидорларга кафолатли равишда етказиб берувчи ҳамкор сифатида довруқ қозонаверади.

**Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон «Сифат» маркази бош директори.**

# Обод гўшалар тароватни

*Мамлакатимизда кечаётган беқиёс янгиланишлар, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида гап кетганда, жим тура олмайман. Теварак-атрофдагиларнинг ҳавасини келтираётган бундай ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида Ватанимиз ютуқлари ҳақида ғурурланиб гапириб бераман.*

ДИЛ СЎЗИ

Эсласак, илгари юқори технологияли саноат маҳсулотларини қўя турайлик, ҳатто аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам четдан олиб келишга мажбур эдик. Бунинг учун катта маблағ сарфланиб, қанчадан-қанча оворагарчиликларга дуч келинмаган дейсиз?!

Шукрки, мустақиллик туфайли буларнинг барчасига барҳам берилди. Юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига ўзимиз эга бўлиб, беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни намоён этиш, жаҳонда муносиб ўрнимизни топишга эришдик.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини юксак суръатлар билан ривожлантириш, модернизация қилиш ва кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида 180 миллиард АҚШ долларидан ортиқ капитал маблағ, шу жумладан, 60 миллиард доллардан зиёд хорижий сармоя ўзлаштирилибди. Шунинг ҳисобидан, аввало, иқтисодиётимизнинг таркибини тубдан ўзгартириш, юксак технологияли саноат тармоқларини йўлга қўйиш, замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотлар тайёрлашдек истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Кейинги йилларда “Навоий кон-металлургия комбинати”га қарашли Зарафшон қурилиш бошқармамиз ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Хусусан, корхонамизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий техника ва технологиялар билан таъминланди. Натижада жонкуяр бунёдкорларимизнинг мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантириш борасидаги ишлари кўлами янада кенгайди. Мисол учун, бизнинг жамоамиз меҳнати билан комбинатнинг 2 ва 3-сонли гидрометаллургия заводлари, “Қизилқум фосфорит” мажмуаси ҳамда Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида кўплаб ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Ҳар гал ушбу кўркам иморатларни кўрганимда, уларни қуришда бевосита иштирок этганимдан ғурурланиб кетаман.

Албатта, бу каби улкан бунёдкорлик ишларини санасак, адоғи йўқ. Энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида ҳам юртимизнинг барча гўшаларида кўплаб шундай иншоотлар, янги корхоналар, замонавий тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг бари жонажон Ўзбекистонимиз қиёфасини тобора ўзгартириб, аҳолимизнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

**Фахритдин КУЛДАШЕВ,**
**«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Зарафшон қурилиш бошқармаси кран машинисти,**
**«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.**



Янги таҳрирдаги «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

СПОРТ

*Пойтахтимиз мезбонлик қилган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди.*

# «Ўзбекистон бизни мафтун этди»

Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз спорт курашлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада 100 дан ортиқ давлатдан 800 нафардан зиёд спортчи 24 вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Улар орасида кўплаб Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиблари борлиги беллашувларнинг қизиқарли курашларга бой ўтишини таъминлади.

Жаҳон чемпионати доирасида Бутунжаҳон кураш иттифоқининг ҳисобот-сайлов конгресси бўлиб ўтди. Йиғилишда халқаро ташкилотнинг янги Конституцияси, Низоми, Допингга қарши регламенти каби қатор ҳужжатлари қабул қилиниб, 2014 — 2016 йиллардаги бюджети, истиқболли режалари тасдиқланди.

Айтиш жоизки, бугун юртимиз кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, гимнастика марказлари янги-янги иқтидор эгаларининг етук спортчилар бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда. Зеро, истиқлол йилларида юртимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор замирида, шубҳасиз, ўғил-қизларимизни жисмонан ва маънан баркамол шахслар қилиб тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам. Бу, ўз навбатида, аҳоли орасида спортга бўлган қизиқишни кучайтириб, келгусида Ўзбекистон шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилувчи истеъдодли спортчиларни кашф этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мисолида бу яна бир бор ўз исботини топди.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзининг ўзига хос тимсолига айланган мазкур нуфузли тадбирда ҳар бир қатнашчи бор маҳоратини ишга солди. Беллашувларда ўзбекистонлик спортчилардан икки нафари совриндорлар сафидан жой олди. Хусусан, эркин кураш баҳсларида Бекзод Абдураҳимов, юнон-рум кураши бўйича Элмурод Тасмуродов бронза медалига сазовор бўлишди.

*— Ўзбекистон мусаффо ҳавоси, гўзал табиати ва одамларининг самимийлиги билан бизни ўзига мафтун этди, — дейди Бутунжаҳон кураш иттифоқи президенти Ненад Лолович. — Жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Мамлакатингизда спортни ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилаётгани ҳақида кўп эшитгандим. Дунё биринчилиги баҳслари ўтказилган Тошкентдаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабида яратилган шарт-шароитларни кўриб, бунга яққол амин бўлдим. Тошкентдан яхши таассуротлар билан қайтмоқдамиз.*



*— Пойтахтимиз мезбонлигида ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритишни мақсад қилгандим, — дейди бронза медаль совриндори Элмурод Тасмуродов. — Афсуски, ярим финалда омад мендан бир оз юз ўгирди. Мусобақа давомида бизни қўллаб-қувватлаб турган мухлисларга миннатдорлик билдираман.*

Эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати келаси йили АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Qishloq Qurilish Bank

**Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

***Миллий валютада:***

**«Баракали мавсум»** — **Омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

**«Фаровон ҳаёт»** — **Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

**«Яхши ният»** — **Омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

***Хорижий валютада:***

**«Финанс»** — **Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.**

**«Капитал»** — **Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

**«Фортуна»** — **Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.**

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад»** Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
**«Хонадон»** Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
**«Қурилишга бошланғич бадал»** Муддати — 1 йил.

**Ушбу омонат турларига маблағлар банкнинг 41 филиалида қабул қилинади.**

**Мурожаат учун банкнинг минтақавий филиаллари телефон рақамларини тақдим этамиз.**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (8-371) 150-77-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (8-371) 150-79-19 |
| 3. | Андижон минтақавий филиали | (8-374) 222-23-72 |
| 4. | Фарғона минтақавий филиали | (8-373) 229-70-91 |
| 5. | Наманган минтақавий филиали | (8-369) 223-04-37 |
| 6. | Бухоро минтақавий филиали | (8-365) 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд минтақавий филиали | (8-366) 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё минтақавий филиали | (8-375) 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё минтақавий филиали | (8-376) 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (8-361) 224-22-15 |
| 11. | Хоразм минтақавий филиали | (8-362) 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё минтақавий филиали | (8-367) 221-00-71 |
| 13. | Жиззах минтақавий филиали | (8-372) 771-63-38 |
| 14. | Навоий минтақавий филиали | (8-436) 770-27-97 |

***Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатингиз:**
- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Хизматлар лицензияланган.

1446A/716



## «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

**2014/2015 йил қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш мақсадида 2014 йил кузги сабзавотлар ҳосилидан давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган қуйидагиларни:**




**сотиб олиш учун танлов эълон қилади.**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Навоий ш., Навоий к., 27.**
**Телефон: (8-436) 227-76-19, 227-78-68.**
**Факс: (8-436) 227-84-32.**
**E-mail: en.ramazanov@ngmk.uz**

1406R/80



## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябригача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 2014 йил 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.**

1401A/645



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Тошкент минтақавий филиали

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 16 августдаги 158 (6088)-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдосига қўйилган «Poyandoz» МЧЖ ҚКга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчаси, 2-уйда жойлашган, икки қаватли бетон ва ғиштдан қурилган, умумий ер майдони 5,4313 гектар, умумий қурилиш майдони 17.575,5 кв.м. бўлган, 0001-0018-литерлардан иборат 18 та кўчмас мулкнинг савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади.

***Асос:*** Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБнинг 2014 йил 11 сентябрдаги 6751-сонли хати.

Хизматлар лицензияланган.

1473R/1453



## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**
- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй,**
**Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

1058/564



**Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимлиги қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида 2004 йил 12 майда 564-сон билан рўйхатга олинган «O'ZBEKNAVO» estrada birlashmasi ijodiy jamoalar direksiyasi» шўъба корхонаси мулкчилик шакли ўзгартирилиб,**

**«O'zbeknavo» эстрада бирлашмаси ижодий жамоалар дирекцияси масъулияти чекланган жамиятига**

**айлантирилди ва шўъба корхонанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.**

**Дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Алишер Навоий кўчаси, 2-уйга ёзма мурожаат қилиш сўралади.**

1467A/761



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

**вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.**

| Т/р | Кафедра номи | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиш техника ва технологияси | ассистент |
| 2. | Инглиз тили | ассистент |
| 3. | Тўқимачилик материалшунослиги | доцент, ассистент |
| 4. | Кимёвий технология | ассистент |
| 5. | Ижтимоий фанлар | катта ўқитувчи |
| 6. | Физика ва электротехника | ассистент |
| 7. | Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси | ассистент |
| 8. | Либослар дизайни | доцент |
| 9. | Касб таълими | ассистент |
| 10. | Менежмент | катта ўқитувчи |
| 11. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | катта ўқитувчи |
| 12. | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш | кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент |

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

*Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, четдан танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказадилар.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 3-бино, 2-хона.**
**Телефон: (8-371) 253-17-78.**

1456R/770



## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «O'zbekiston Respublikasi Tovar-xom ashyo birjasi» АЖнинг 2014 йил 11 сентябрдаги 14/4966-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Nexia» русумли, давлат рақами 01/430YBA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник соз автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 208 000 сўм.***

**2.** «Damas» русумли, давлат рақами 01/436YBA бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган техник соз автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 17 306 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 2 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 сентябрь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 2 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 9 ва 16 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 9 октябрдаги савдолар учун — 7 октябрь куни соат 18.00, 16 октябрдаги савдолар учун — 14 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг АТИБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1465R/1452

Гувоҳнома № 006231.


"O'zbekiston" телерадиоканали" ДУК жамоаси "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Нигора Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси

**СОҲИБА онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ҳамда жамоаси Маънавият ва маърифат бўлими ходими Жаҳонгир Каримовга волидаи муҳтарамаси

**МАВЛУДА онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси доценти

**Ҳусниддин НУРИДДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси минтақамиздаги энг йирик маънавият масканларидан бири саналади. Мазкур зиё масканида бугунги кунда етти миллион нусхага яқин китоблар мавжуд.

## Хоразм вилояти:

# Муаззам юртимиз гавҳари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоятга ташриф буюрган сайёҳу меҳмонлар учун ҳайрат онлари, аввало, вилоят марказининг халқаро аэропорти ёки темир йўл вокзалидан бошланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эндиликда шаҳарнинг қўшдарвозаси деб аталувчи бу икки замонавий қўналға мамлакатимиздаги беқиёс бунёдкорлик ишларининг салмоғи ва салобатини намоён этиб турибди.

Хоразмнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида барпо этилган "Урганч" халқаро аэропортининг янги терминали соатига 300 нафардан зиёд йўловчига намунали хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Онабола хонаси, тиббиёт пункти, сервис шохобчалари, транзит ҳамда бошқа заллар энг зарур воситалар билан жиҳозланган.

Нафақат юртдошларимиз ва меҳмонлар, балки хорижлик сайёҳларга хизмат қилаётган "Урганч" темир йўл вокзалини эса ажойиб кошона дейсиз. Бино ҳамда очиқ айвонлар бир йўла 500 йўловчини кутиб олади.

Темир йўл вокзали майдонига ёндош жойда эса "Ёшлик" массиви қайтадан қурилмоқда. Ёшлар марказига айланаётган бу шаҳарчада бир эмас, бир нечта нуқтада бунёдкорлик ишлари авж паллага кирган бўлса, спорт мажмуасида ёпиқ манеж, гимнастика зали, иккита спорт зали ва сузиш ҳавзаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Йигит-қизларимизга эътибор ва ғамхўрликнинг юксак ифодаси бўлмиш ана шу массивда ҳозирги кунга қадар салкам 28 миллиард сўмлик юмушлар бажарилди. Хусусан, Мустақиллик байрами арафасида бу ерда ёш оилалар учун бунёд этилган 32 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли турар-жой биноси ва мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Туризм ва меҳмонхона хизмати касб-ҳунар коллежи биноси қурилишида эса 5 миллиард сўмликдан зиёд ишлар рўёбга чиқарилди. 360 ўринли янги мактаб биноси ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ёшларга совға бўлди.

Шаҳарда янги спорт турларига мўлжалланган марказлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Баскетбол ва бадминтон марказлари шулар жумласидандир. Мазкур спорт мажмуалари қаршисида янги лойиҳа бўйича 100 дан зиёд икки қаватли коттежлар бунёд этилмоқда. Тез орада уларда кўплаб ёш оилалар фаровон турмуш кечирадилар.





Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Урганчдаги "Ёшлар кўли" дам олиш маскани ҳам воҳа йигит-қизларининг энг севимли манзилларидан саналади. Сув ҳавзаси, қадимий обидалар макетлари ўрнатилган музей, ўнлаб аттракционлар, кема-кафелар, шахмат клуби ва бошқа объектлар жойлашган, 15,5 гектар майдонни эгаллаган бу мажмуада деярли ҳар куни ёшлар иштирокида сермазмун тадбирлар, суҳбат-мулоқотлар ўтказиб турилади.

Шаҳар марказидаги кўркам ва муҳташам "Бахт уйи" биноси эса ўзининг меъморчилик ечими, миллий нақшинкорлиги билан ажралиб туради. Ушбу масканда ёш келин-куёвлар Ватанга ва оилага садоқат туйғуларини қалбларига жо қилсалар, мусиқали фаввора эса уларнинг юрагига келажакка ишонч жилоларини бахш этади.

Айтиш жоизки, Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғини янада обод ва кўркам қилиш учун салкам 20 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Айни пайтда бу масканда реконструкция ишлари тобора кенг кўлам касб этмоқда.

Бугун Шовот каналининг файзи ҳам бўлакча. Унинг икки соҳили бўйлаб замонавий ландшафт дизайни асосида кўркам боғлар, дам олиш масканлари, равон йўлаклар, майдонлар, хиёбонлар, меҳмонхона ва ресторанлар бунёд қилинган. Уларда дам олиб, ҳордиқ чиқарсангиз, хаёлингиздан дориламон кунларимизнинг шукуҳи кечади. Негаки, канал бўйларидаги салкам 80 гектар майдоннинг деярли 70 гектарини боғлар ташкил этади. Унга туташ тарзда, шунингдек, 45 та тадбиркорлик субъекти томонидан 55 та дам олиш иншооти қурилган. Тўртта катер эса дам олувчилар хизматида.

— Биз оиламиз билан кечкурунлари Урганчни томоша қилишга одатланганмиз, — дейди меҳнат фахрийси Шарипбой Жуманиязов. — Нега деганда, азим шаҳар тунда ранго-ранг чироқларга, нурга бурканиб, янаям гўзал бўладики, бундан кўз қувонади.

Дарҳақиқат, гўзал Ватанимизнинг гавҳари саналган Хоразмга, унинг шукуҳли маркази Урганч шаҳрига келсангиз, ўзига хос бир ҳарорат, хуш кайфият оғушида қоласиз. Ҳозирги кунда нафақат Урганч шаҳри, балки вилоятнинг бошқа ҳудудлари ҳам улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Шу тариқа туман марказлари, қишлоқлар, маҳаллалар тобора яшариб, янгиланиб бормоқда. Жумладан, вилоятда 2009 йилдан бери 116 та массивда қишлоқ аҳолиси учун 3,5 мингта намунавий уй-жой қурилиб, уларга 130 километр газ ва 85 километр электр тармоқлари, 180 километрга яқин сув қувурлари тортилди. Қолаверса, янги қишлоқ массивларида интернетдан тортиб, банк ва савдо шохобчалари, болалар спорт майдончалари, аҳоли дам олиш масканлари мавжудлиги аҳолига замонавий қулайликлар яратаётир.

Зеро, буларнинг барчаси Президентимизнинг воҳа аҳлига кўрсатаётган чексиз эътибори туфайлидир. Хоразмликлар эса бунга жавобан вилоятни янада тараққий эттириш, унинг ёрқин келажагини таъминлаш йўлида азму шижоат ва фидойилик кўрсатмоқдалар.

**Сотим АВАЗ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Асака шаҳридаги Тошкенбой Эгамбердиев номидаги маданият ва истироҳат боғи кенг кўламли реконструкция ишларидан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди.*

# Асаканинг сўлим боғи

Хусусан, бу ерда маҳаллий тадбиркор ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўнлаб янги аттракционлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. "Камолот" ёшлар рақс хиёбони, иккита мини-футбол майдони, теннис корти, шахмат ва шашка марказлари қурилиб, йигит-қизлар ихтиёрига топширилди. Қолаверса, турли манзарали дарахт ва ноёб гул кўчатлари асакалик машҳур дорбозлар сулоласи вакили номига қўйилган боғ тароватига тароват қўшди. Бунёдкорлик ишларига салкам 5,5 миллиард сўм сарфланди.

Боғнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири М. Ҳожиматов ва бошқалар юртимизда аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилаётгани, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Жумладан, мазкур қарор асосида биргина Андижон вилоятида 25 та маданият ва истироҳат боғини тубдан реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтгача Балиқчи, Олтинкўл, Избоскан ва Асака туманларида шундай масканлар фойдаланишга топширилди.

Тадбир доирасида "Билимлар беллашуви" республика босқичи ғолиблари ҳамда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар олимпиадасида иштирок этган бир гуруҳ асакалик ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Якунда санъаткорлар ижросида байрам концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмонов иштирок этди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БУГУН — ХАЛҚАРО ОЗОН ҚАТЛАМИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

*Ер юзида ҳаётнинг бардавомлиги бундан тахминан 620 миллион йил бурун пайдо бўлган озон қатлами туфайли таъминлаб келинаяпти. Зеро, у заминимиздаги жамики тирик организмларни қуёшнинг зарарли ультрабинафша нурлари таъсиридан асровчи мустаҳкам қалқондир. Мутахассисларнинг айтишича, озон пардаси ерга тушаётган нурли радиациянинг қарийб 93-99 фоизини тутиб қолиб, сайёрамизда муайян даражада қулай ҳароратни сақлаб туради.*

# ОНА ЗАМИН ҚАЛҚОНИ

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, озон газсимон, ўзига хос ҳидли модда бўлиб, стратосферада тўпланиб, озон қатламини ҳосил қилади.

Таассуфки, ўтган аср ўрталаридан бошлаб ушбу ҳимоя қатламининг емирилиши оқибатида туйнуклар ҳосил бўлиб, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маълумотларга қараганда, энг катта озон туйнуклари Ернинг жанубий ва шимолий қутбларида қайд этилган. Бундай туйнук 1957 йилда Халли қўлтиғи, 1985 йилда Антарктида, 1992 йилда эса Арктикада ҳосил бўлганлиги аниқланган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: озон қатлами нега парчаланади?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассисларининг таъкидлашича, атмосферанинг юқори қатламларида мавжуд бўлган озон миқдори уч миллиард тоннадан иборат бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Уларнинг сийраклашиб, умумбашарий муаммо тусини олишига асосий сабаб инсон омилидир.

Аслида, озон вулқон отилиши жараёнида ҳосил бўладиган, таркибида олтингугурт бирикмалари мавжуд газлар таъсирида ҳам парчаланади. Аммо XX асрнинг 50-йилларидан сўнг ҳавога сунъий органик хлор бирикмаларининг ҳаддан зиёд кўп чиқарилиши бу жараённи тезлаштириб юборди. Кундалик ҳаётимизга жадал кириб келган музлаткичларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Гап шундаки, совитиш ускуналарида фойдаланиладиган моддалар озон билан реакцияга киришиб, уни емиради. Хлор, фтор ва углерод газлари фреон гуруҳини ташкил қилиб, "иссиқхона самараси"ни вужудга келтиришда фаол қатнашади. Буларнинг бари озон қатламининг юпқалашиши, оқибатда унинг ультрабинафша нурларини қайтариш қобилиятини камайтиришга олиб келаяпти.

Ўтган аср мўъжизаси ҳисобланган космик аппаратларни учириш ҳам озон қатламига салбий таъсир қилмоқда. Сабаби, космик кемаларнинг учирилиши жараёнида самога юзлаб тонна зарарли кимёвий моддалар тарқалади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир ракетанинг парвози давомида ўн минг тоннага яқин озон парчаланар экан!

Халқаро ҳамжамият томонидан бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш, вазиятни юмшатиш мақсадида аниқ мақсадли чоралар кўрилмоқда. 1985 йилда Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжат — Вена конвенцияси ҳамда 1987 йил 16 сентябрда Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи ишлаб чиқилгани, айниқса, ишлар самарадорлигини оширди. Нега деганда, ушбу ҳужжатлар асосида озон қатламини бузадиган кимёвий моддаларнинг кенгайтирилган рўйхати тузилиб, улардан фойдаланиш бўйича маълум чекловлар белгиланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Монреаль протоколи тарафдори бўлиб, 1993 йилдан буён унинг кузатув тартибидан ўрин олган. Шунингдек, "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қолаверса, табиат ҳамда атмосферани муҳофаза қилишга қаратилган бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинган.

Шу билан бирга, 2005 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг изчил ижроси кутилган натижаларни бера бошлади. Мана исботи: республикамизда 99,9 фоиз озон қатламини емирувчи моддалар муомаладан чиқарилди. Бу эса Ўзбекистон Монреаль протоколи билан режалаштирилган жадвалдан илгарилаб кетди, деганидир.

Ҳар йили 16 сентябрь санаси дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам "Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни" сифатида кенг нишонланади. Бу йил мазкур сана "Озон қатламини муҳофаза қилиш — миссия давом этади" шиори остида ўтказилмоқда. Унинг доирасида озон қатлами емирилишининг олдини олиш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар самараси муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинади. Шу ўринда айтиш керакки, республикамизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик жамғарма ҳамкорлигида озонни емирувчи моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолини қисқартиришга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Дунё ҳамжамияти томонидан озон қатламини тиклаш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани кишини қувонтиради. БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ва Бутунжаҳон метеорология ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган таҳлилларга кўра, озон қатламининг тикланиш жараёни тезлашган. Ҳисоб-китобларга қараганда, асримиз ўрталарида мавжуд озон туйнуклари тўлиқ қопланиши кутилмоқда. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистонимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Саид РАҲМОНОВ.**

# Ҳаваскор велоспортчилар беллашуви

*Тошкент шаҳрида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Камолот-тур" VII ёшлар веломарафонининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.*

ВЕЛОМАРАФОН



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Ушбу спорт тадбири Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда мусобақанинг ҳудудий босқичларида ғалаба қозонган велопойгачилар пойтахтлик ҳаваскор велоспортчилар билан бирга 20 километрлик масофага ўзаро беллашдилар.

Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, ўғил-қизларнинг спорт, айниқса, велоспортга бўлган қизиқишини кучайтириш ҳамда экологик тоза транспорт воситасидан фойдаланишни оммалаштиришга қаратилган.

Веломарафонда Қорақалпоғистон Республикасидан Илҳом Есалиев, Пана Даўлетбаев, наманганлик Шуҳрат Ҳожиев, фарғоналик Элёрбек Нишонов, жиззахлик Нодирбек Хурсанов, хоразмлик Бектемир Ражабов, Тошкент вилояти вакили Темур Шукуров, тошкентлик Гавриил Сулемин, Алексей Сраилов ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Спорт тадбири якунида "Энг ёш пойгачи", "Фахрий велопойгачи", "Энг маҳоратли техник велопойгачи", "Энг иродали велопойгачи", "Энг маҳоратли велопойгачи қиз" ва "Велопойгачилар оиласи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

# Тадбиркорнинг мўъжаз хўжалиги

*Истиқлол тенгдоши бўлган Сарвиноз Ҳамроева шаҳрисабзлик ёш тадбиркорлар сафидан ўрин олиб, гулчилик бўйича ўз бизнесини йўлга қўйди.*

ИНТИЛИШ

— Гулчилик севимли машғулотим, — дейди Сарвиноз. — Болалигимдан гулларнинг ранглари ва навларига қизиққаним сабаб, ўз қўлим билан кўчат ўтқазиб, парваришлардим. Яқинда деҳқон хўжалигини ташкил қилиб, гулчиликни ривожлантириш учун банкдан 7 миллион сўм кредит олдим. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши менга кредит фоизини тўлаб беришда кўмаклашди. Айни пайтда мўъжазгина хўжалигимда "Қора шаҳзода", "Титаник" каби дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб гулларни кўпайтираяпман.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Эълон

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчилик ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛИК:**
*(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)*

**07.00.03** — Жаҳон тарихи — 1 ўрин.
**07.00.08** — Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари — 1 ўрин.
**07.00.09** — Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи — 1 ўрин.
**07.00.10** — Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи — 1 ўрин.
**08.00.09** — Жаҳон иқтисоди — 1 ўрин.
**10.00.06** — Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти — 2 ўрин.
**10.00.11** — Матншунослик ва адабий манбашунослик — 1 ўрин.

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ҳамда тезислар (камида иккита) нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятига лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди илмий даражасига эга талабгор бундан мустасно);
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**Қабул имтиҳонлари рўйхати:**

- мутахассислик;
- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили.

**Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгор кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.**

**Шунингдек, юқорида зикр этилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилади.**

*Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.**
**Маълумот учун телефон: (8-371) 233-45-21.**

1448А/696


WWW.XS.UZ Хитой Тайпейида академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Шаҳбоз Холмирзаев кумуш медални қўлга киритди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5